

**ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИГА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ФАОЛ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ФУҚАРОЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН
ХИЗМАТЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИНТЕРАКТИВ ВА ПРОАКТИВ
ШАКЛГА ЎТКАЗИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР**

Раджапов Усмонбек Умарбек ўғли

*Хоразм вилояти Адлия бошқармаси Кўшкўпир тумани юридик
хизмат кўрсатиш маркази бош юристконсулти*

Аннотация: Ушбу мақолада пенсия таъминоти тизимига ахборот технологияларини фаол жорий қилиш орқали фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар босқичма-босқич интерактив ва проактив шаклга ўтказиш борасидаги ислохотлар таҳлил қилинади вав шулар туғрисида сўз юритидади.

Калит сўзлар: Пенсия, технология, автоматик, фуваро, нафақа, проактив, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, смс хабар.

Мамлакатимизнинг барча соҳалари ва тармоқларида ислохот жараёнлари амалга оширилаётгани каби фуқароларга пенсия тайинлаш соҳаси ҳам пенсия таъминоти тизимига ахборот технологияларини фаол жорий қилиш орқали фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар босқичма-босқич интерактив ва проактив шаклга ўтказилмоқда.

Хусусан, 2024 йил 1 январдан бошлаб фуқаролар пенсия тайинлашни сўраб қўшимча равишда Давлат хизматлари марказига ташриф буюрган ҳолда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали онлайн мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди

Шунингдек, фуқаро жамғарган пенсия маблағларини Халқ банкининг мобил иловаси орқали олиш имконияти яратилди.

Бунда, фуқароларга пенсия тайинланганидан сўнг жамғарган пенсия пулини олиш учун Пенсия жамғармасидан қоғоз шаклидаги сертификат бериш тартиби бекор қилинди.

Шунингдек, 2025 йил 1 мартдан бошлаб пенсия ёшига етган фуқароларга пенсиялар “автоматик” тарзда, яъни ҳеч қандай ҳужжат талаб этмаган ҳолда ва фуқаронинг мурожаатсиз тайинланади ва фуқаронинг шахсига оид барча маълумотлар вазирлик ва идораларнинг электрон базаларидан олинади.

Ушбу қулайликларнинг йўлга қўйилиши натижасида биринчидан, фуқаролардан пенсия тайинлаш учун қўшимча ҳужжатлар йиғиш учун Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмасига мурожаат қилиш талаб этилмайди. Иккинчидан, пенсия ёшига етган фуқаронинг телефон рақамига “пенсия тайинланганлиги ва унинг миқдори” тўғрисида маълумот юборилади.

Шунингдек, пенсияга чиқмасдан иш фаолиятини давом эттириш истагида бўлган ёки пенсия миқдоридан норози бўлган фуқароларга “автоматик” тайинланган пенсияни тўхтатиш ҳуқуқи берилмоқда.

Фуқарога “автоматик” пенсия тайинланганлиги ёки пенсия тайинланиши рад этилганлиги ҳақида СМС хабар юборилади.

Фуқаро пенсия тайинланганидан, пенсия миқдоридан ёки пенсия тайинланиши рад этилганидан норози бўлган тақдирда Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига тегишли тартибда ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистонда 2025 йилнинг 1 мартидан бошлаб 60 ёшли эркеклар ва 55 ёшга етган аёлларга пенсиялар шу куннинг ўзида бирор-бир турдаги ҳужжат талаб этилмаган ҳолда тайинланади.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёевнинг “Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, қарорга кўра, 2024 йил 1 январдан бошлаб, фуқароларга пенсия тайинлаш учун қўшимча равишда Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам мурожаат қилиш имконияти яратилган. Шу билан биргаликда фуқароларга пенсия тайинланганидан сўнг АТ “Халқ банки”да жамғарган пенсия пулини олиш учун Пенсия жамғармасидан қоғоз шаклидаги сертификат бериш тартиби бекор қилинди.

Бунда, шахсга оид маълумотлар (фуқаронинг ёши, жинси), иш стажи, иш ҳақи (тўланган ижтимоий солиқ суммаси) ва оила таркиби (турмуш ўртоғи ва фарзандлари) Адлия вазирлиги, Бандлик вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасининг электрон базаларидан олинади. Натижада эса фуқароларга пенсия тайинлаш учун қўшимча ҳужжатлар йиғиш ҳамда ўзи истиқомат қилувчи Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмасига мурожаат қилиш талаб этилмайди.

Бундан ташқари, пенсия ёшига етган, аммо пенсияга чиқмасдан ишини давом эттириш истагида бўлган ёки пенсия миқдоридан норози бўлган фуқароларга автоматик тайинланган пенсияни тўхтатиш ҳуқуқи берилмоқда. Қонунчиликка мувофиқ пенсия миқдоридан норози бўлган фуқаролар пенсия миқдorigа таъсир этувчи қўшимча ҳужжатларни исталган вақтда тақдим этиши мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси.